

# ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби, драматург, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган “Шоиру шеър ушуур” деб номланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда адабиётшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, тилшунос ва таржимонлар, уқув юртлари талабалари, уқувчилар, уқитувчилар, кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Тадбир доирасида “Ўзбекистон, ўзбегим” ва “Шеърятни қалбларга кучирган шоир” деб номланган китоб-расмий кўргазмалар очилди. Унда адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар, даврий нашрлар ва адибнинг асарларидан намуналар урин олган. Эркин Воҳидов ҳақида фильм намоиш қилинди.

— Кутубхонада утказилаётган тадбирлар қаторида хогира кечалари алоҳида урин тутати, — дейди тадбирнинг очилишидаги кириш сузида ку-

тубхона директори Асаджон Ходжаев. — Уларда биз ёшларни мамлакатимиз фан, техника, маданият ва санъати ривожига катта ҳисса қушган, Ватанимизнинг фидоий инсонлари, уларнинг ибратли ҳаёти ва бой мероси билан таништирамиз. Ишонамизки, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов хотирасига бағишланган бугунги тадбирда, ёшларимиз Эркин Воҳидовнинг сафдошлари, издошлари, шогирдлари ва улар билан ҳамкорликда ижод қилган санъаткорлар суҳбатларини тинглаб, ўзлари учун қимматли маълумотларга эга бўладилар.

Ташкил қилинган давра суҳбатида сузга чиққан Ўзбекистон халқ артисти, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соvrиндори Шерали Жураев, филология фанлари номзоди Зухриддин Исомиддинов, доцент Омонилла Мадаев ва бошқалар халқ

шоирининг ҳаёти, самарали ижоди, инсонийлиги ҳақида хотираларда қолган ҳаётини лаваҳалар, тарбиявий аҳамиятга эга асарлари мисолида фикр юритдилар. Мактаб, коллеж уқувчилари томонидан Эркин Воҳидов шеърлари асосида тайёрланган композиция ижро этилди.

